ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОРИМСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, ЖОНИМ СЕНГА ФИДО, ЎЗБЕКИСТОНИМ!

2016 ЙИЛ 20 ИЮЛЬ, ЧОРШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 144 (13.207)

Баҳоси эркин нарҳда

"ЎЗБЕКИСТОН ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТ ЭКАНЛИГИ БУТУН ДУНЁДА ЎЗ ЭЪТИРОФИНИ ТОПМОҚДА"

Маълумки, мамлакатимиз ҳаётида рўй бераётган кенг кўламли ўзгаришлар дунё ҳамжамиятида юксак баҳоларга сазовор бўлмоқда. Давлатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида Вьетнам Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Фам Ван Фао "Жаҳон" ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда республикамизда қўлга киритилаётган улкан муваффақиятлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

— Ўзбекистон изчил ривожланаётган мамлакат эканлиги бутун дунёда ўз эътирофини топмоқда, — деди элчи жаноблари. — Бу ерда ҳуқуқий демократик давлат ҳамда кучли фуқаролик жамиятини барпо қилишга йўналтирилган туб ислоҳотлар ҳаётга изчил татбиқ этилаяпти. Айниқса, ўзбек халқи тарихан қисқа давр мобайнида миллий давлатчилигининг мустаҳкам пойдеворига айланган Конституцияси билан ҳар қанча фахрланса арзийди.

Вьетнамда мамлакатингизнинг ижтимоий-сиёсий соҳаларда эришаётган юксак натижалари ҳақида яхши билишади. Хусусан, 2014 ва 2015 йилларда Асосий Қонунингизда муҳрлаб қўйилган қоидаларга тўла мувофиқ равишда, очиқ-ошкоралик муҳитида ўтган парламент ҳамда Президент сайловлари юртингизда фуқароларнинг сиёсий фаоллиги тобора ўсиб бораётгани, улар жамиятда рўй бераётган янгиланишларни қўллаб-қувватлаётганини яққол кўрсатди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон иқтисодий жиҳатдан ҳам изчил равнақ топаяпти. Жаҳонда молиявий-иқтисодий инқироз ҳамон давом этаётганига қарамасдан, республикангизда ялпи ички маҳсулот ўсиши барқарор суръатларда сақланмоқда. Дунёда бундай давлатлар бармоқ билан санарли. Бу каби юксак чўққиларга, энг аввало, ислоҳотлар, иқтисодиётни либераллаштириш ҳамда модернизациялаш бўйича узоқни ўйлаб, истиқболни кўзлаган ҳолда, вазминлик билан амалга оширилаётган сиёсат шарофати туфайли эришилаётир. Бугунги кунда ана шу стратегия дунё ҳамжамиятининг ҳақли эътирофига сазовор бўлаяпти. Бозор иқтисодиётининг аниқ ифодаланган асослари, унинг ҳаётга татбиқ қилинаётган механизмлари, яратилган институциявий инфратузилма, замон талабларига жавоб берадиган молиявий тизим Ўзбекистоннинг том маънодаги тарихий ютуқлари ҳисобланади.

Мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб давлат томонидан самарали ва кучли ижтимоий сиёсат олиб борилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу тараққиётнинг "ўзбек модели" узвий қисмидир. Бинобарин, юртингизда оналик ҳамда болалик муҳофазаси энг устувор йўналишлардан бири сифатида белгилаб олинган. 2016 йил Президент Ислом Каримов ташаббуси билан "Соғлом она ва бола йили" деб номлангани Ўзбекистонда инсон манфаатлари олий қадрият ҳисобланишининг яна бир тасдиғидир. Умуман, чорак аср мобайнида соғлом авлоднинг дунёга келиши ҳамда вояга етказилиши учун барча зарур шарт-шароитни яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, босқичма-босқич бажарилмоқда.

Шу билан бир қаторда, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётда хотин-қизларнинг ўрнини мустаҳкамлаш юзасидан республикангизда олиб борилаётган саъй-ҳаракатларни алоҳида таъкидлашни истар эдим. Бугунги кунда уларнинг бандлик даражаси жуда юқори. Ўзбекистон аёллари юқори малакали мутахассислар сифатида замонавий касбларни ўзлаштираяпти, меҳнатсеварлиги, тадбиркорлиги ҳамда масъулиятни теран ҳис эта олиши боис барча тармоқда катта натижаларга эришаётир.

Айни чоғда динлараро ва маданиятлараро мулоқотни мустаҳкамлаш ҳамда қўллаб-қувватлаш бўйича ўлкангиз тажрибаси биз учун алоҳида қизиқиш уйғотмоқда. Мамлакатда барча миллат ва эътиқод вакиллари ўзаро ҳамжиҳатликда яшайди. Эътиборлиси, бу кўп асрлардан буён маънавий қадрият сифатида авлоддан-авлодга ўтиб келади. Қолаверса, инсонпарварлик ҳамда умуминсонийлик тамойилларига асосланган миллий сиёсатнинг мантиқий натижаси ҳисобланади.

Замонавий Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъектидир. У бошқа давлатлар билан ҳамкорликни ривожлантириш бўйича ўз ташқи сиёсатини мустақил равишда олиб бораяпти. Бу суверенитет ва ҳудудий яхлитликка ҳурмат, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, баҳсли масалаларни тинч йўл билан ҳал қилиш, куч ишлатмаслик ҳамда куч билан таҳдид қилмаслик сингари умуммиқёсда эътироф этилган халқаро меъёрларга муштарақдир. Мамлакатнинг ташқи сиёсий йўли хорижий давлатларда ўзининг кенг эътирофини топгани баробарида, жаҳондаги нуфузини, минтақавий ва халқаро ишлардаги ўрни ҳамда аҳамиятини янада юксалтирди.

Ўзбекистон ҳамда Вьетнам кўҳна анъанавий дўстона алоқаларга эгадир. Кейинги йилларда икки давлат раҳбарлари турли соҳалардаги ўзаро муносабатларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик борасида ҳали ишга солинмаган улкан салоҳият мавжуд. Бизнинг олдимизда ўзаро савдо айланмаси, сармоялар ҳажмини оширишдек муҳим вазифалар турибди. Уларнинг ҳал қилинишида, шубҳасиз, мунтазам равишда ўтказиб келинаётган Ўзбекистон – Вьетнам ҳукуматлараро комиссияси катта ўрин тутади. Халқларимиз манфаатлари йўлида ўзаро ҳамкорлигимиз кўламлари янада кенгайишидан умидворман.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини тобора яқинлашиб келаётган Мустақиллик байрами билан самимий қутлайман, мангу тинчлик, бахту иқбол ва фаровонлик тилайман.

"Жаҳон" АА.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Мустақилликнинг ҳар бир йилида мамлакатимиз тарихи саҳифаларига улкан бунёдкорлик, халқимизнинг қўлга киритаётган ютуқлари, тараққиёт ва фаровонлик борасидаги муваффақиятлар зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилмоқда. Истиқлолнинг йигирма беш йиллик муборак санаси Мирзо Улуғбек туманида ҳам барча соҳаларда муносиб ютуқлар билан кутиб олиш тараддудида.

МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИ: ЯНГИЛАНИШ ВА ЮКСАЛИШ САРИ





Туман 1932 йилда ташкил топган бўлиб, 1992 йил 8 май куни Мирзо Улуғбек номи берилган. Жами аҳоли сони 260168 нафардан иборат бўлиб, улар тинч, осойишта ва фаровон умргузаронлик қилиб келмоқда.

Ёшларнинг таълим-тарбияси, маънан ва жисмонан етуклиги, кексаларимизнинг саломатлиги йўлида корхона, ташкилот ва муассасалар ҳамкорлигида режали ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда туманда 54 та маҳалла, 27 та илмий-текшириш институтлари, 6 та олий ўқув юрти, 32 та умумтаълим мактаб, 11 та коллеж, 3 та лицей, 5 та спорт мактаби, 56 та мактабгача таълим муассасаси, тўртта болалар мусиқа мактаби, ўттизга яқин спорт комплекси, 3 та стадион, 14 та кутубхона, 21 та соғлиқни сақлаш ташкилотлари, Тошкент олий ҳарбий умумқўшин қўмондонлик билим юрти, ИИВ ва Қуролли кучлар академияси ва кўплаб саноат корхоналари фаолият юритмоқда.

Ўтган давр мобайнида туманда ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда ислоҳотлар давом эттирилиб, қатор ижобий кўрсаткичларга эришилди.

Туманда 2016 йил биринчи ярим йиллик якуни бўйича кўрсаткичларининг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан – саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, истеъмол моллари ишлаб чиқариш, пудрат қурилиш ишлари, чакана савдо айланмаси, жами хизматлар, пуллик хизматларнинг сезиларли даражада ўсишига эришилганини кўриш мумкин.

Жумладан, саноат маҳсулотларининг ўсиш суръати 115,3, истеъмол моллари 112,7, пудрат қурилиш ишлари 115,4 фоизни, асосий капиталга инвестициялар киритиш режаси 122, чакана савдо айланмаси 112,9, пуллик хизматлар ҳам 111,5 фоизни ташкил қилди.

2016 йил давомида 10297 та янги иш ўринлари ташкил этиш белгиланган. Шу ўринда биринчи чоракда 2098 та, иккинчи чоракда 2665 та иш ўринлари яратилди. Иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш кўрсаткичлари белгиланган дастур доирасида бажарилмоқда.

Айтиш жоизки, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади фуқароларни қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг фаровонлигини янада оширишга қаратилгандир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак Мирзо Улуғбек тумани истиқлолимизнинг 25 йиллиги байрамини ҳар бир соҳада улкан ютуқлар билан кутиб олиш тараддудида.

(Мирзо Улуғбек туманига бағишланган материаллар билан газетанинг 2-саҳифасида танишасиз)

XXI садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Наманганда "Мустақиллик – миллий тикланиш ва юксалишдир!" шиори остида ёшлар форуми бўлиб ўтди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси марказий кенгаши, вилоят ҳокимлиги ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида ёш авлоднинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаши йўлида яратилаётган имкониятлар уларнинг жисмонан соғлом ва маънан етук инсонлар бўлиб улғайишида муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

● Хива шаҳридаги "Ичан қалъа" давлат музей-қўриқхонасида "Рақс сеҳри" халқаро фестивали бошланди. Фестивалда мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан рақс гуруҳлари ва ансамбллари, бир қатор хорижий давлат санъаткорлари иштирок этмоқда.

● Самарқанд шаҳрида одам савдосига қарши курашиш бўйича вилоят идоралараро комиссиясининг "Одам савдоси – давр муаммоси" лойиҳаси доирасида "Мустаҳкам ирода билан фаровон ҳаёт сари" шиори остида тарғибот тадбири ўтказилди.

● Наманганда "Соғлом оила" шиори остида ўтказилган "Отам, онам ва мен – спортчи оила" мусобақасида 12 оилавий жамоа ўзаро баҳслашди.

ЖАҲОНДА

● Франция парламентининг қуйи палатаси мамлакатда амалга киритилган фавқулодда ҳолат режимини яна олти ойга узайтиришни қўллаган ҳолда овоз берди.

● Виржиния университети тиббиёт мактабининг бир гуруҳ биологлари инсон иммун тизими устида ўтказган тадқиқот натижалари эълон қилинди. Улар ушбу тадқиқот натижаларига таяниб, инсон ижтимоий фаоллиги унинг иммун тизимига боғлиқ, деган фикрни илгари сурмоқда. Шу пайтгача олимлар иммун ва асаб тизими бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда фаолият юритади, деб ҳисоблаб келишган эди.

MUSTAQILLIK · INDEPENDENCE · НЕЗАВИСИМОСТЬ 25 O'ZBEKISTON

МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИ:
ЯНГИЛАНИШ ВА ЮКСАЛИШ САРИ








Сўнгги йилларда мамлакатимизда иқтисодиётнинг барча тармоқларида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар натижасида кўплаб замонавий ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти йўлга қўйилди.

Иқтисодиёт

СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК ОШИРИЛМОҚДА

Туманда фаолият олиб бораётган "SIMAKX-PARS" хусусий ишлаб чиқариш корхонаси ҳам ана шундай корхоналар сирасига киради.

— Корхонамиз 2005 йилда ташкил топган, — дейди "SIMAKX-PARS" хусусий ишлаб чиқариш корхонаси бош технологи Мурод Маҳкамов. — 2006 йилдан бери Маҳаллийлаштириш дастури бўйича фаолият кўрсатиб келмоқда. Корхонада асосан паролон ва ундан тайёрланадиган ёстиқ, матраслар ишлаб чиқарилади. Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча ички бозорларига маҳсулотларимиз тезкорлик билан етказиб берилмоқда. Хом ашё Россия ва Хитойдан олиб келинади. Беш киши билан иш бошлаган корхонамизда бугунги кунда 50 дан ортиқ ходимлар фаолият олиб боради. Уларга мавсумий иш кийим, иссиқ овқат берилади. Корхонадаги замонавий технологиялар Хитойдан олиб келинган. Асосий буюртмачиларимиз "GM Uzbekistan" қўшма корхонаси, "SamAuto" автомобиль заводи, "HUVAYDO-MEBEL", "KENG MAKON", "E'TIQOD MEBEL" корхоналари билан ҳамкорликда ишлаб келмоқдамиз.

Иқтисодиёт ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган корхона анъанавий тарзда турли кўргазмалар, кўрик-танловларда иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаб келади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказиладиган "Ташаббус-2008" кўрик-танловида Мирзо Улуғбек туманида "Энг яхши тадбиркор" номинациясида 1-ўринни, шаҳар босқичида эса 3-ўринни қўлга киритган. "Ташаббус-2014" кўрик-танловининг туман босқичида "Йилнинг энг яхши тадбиркори" йўналишида 3-ўринни эгаллаган. 2016 йилда эса "Энг ёш тадбиркор" номинациясида туманда биринчи ўринга сазовор бўлди. Бундай танлов ва кўргазмаларда иштирок этиш корхоналар билан янги ҳамкорликларни йўлга қўйиш имконини беришини корхона жамоаси жуда яхши билади.

Ҳа, сифат ва самарадорлик бор жойда ҳамиша эзгулик ва яхшилик инсонлар хизматига камарбаста бўлади. Чунки инсон энг яхши сифатларга ўз меҳнати, изланиш ва интилиши билангина эришади.

Тиббиёт

ИНСОН САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ишлар ва эришилаётган ютуқлар дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. Айниқса соғлом авлод тарбияси, миллат саломатлиги масаласи давлатимизнинг бош мақсадларидан бирига айланган.

Президентимизнинг "2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори репродуктив саломатликни янада мустаҳкамлаш, аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш борасида янги имкониятлар эшигини очмоқда.

Тумандаги 5-сон шаҳар клиник шифохонасида бемор болажонларга яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишар эканмиз, фарзандлар саломатлиги ҳар нарсадан устун ва долзарб эканлигига яна бир бор амин бўлдик.

Мазкур шифохонада кенг қамровли таъмирлаш ишларининг олиб борилганлиги ва янги жаҳон стандартларига тўла жавоб берадиган тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланганлиги халқ соғлиғини асраб-авайлашда муҳим омил ҳисобланади.

Шифохонада 35 нафар олий тоифали шифокор ва юздан ортиқ ҳамширалар ҳам боланинг, ҳам онанинг саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида жонбозлик кўрсатиб келмоқда. Бу ерда асосан муддатидан олдин туғилган чақалоқларнинг соғликлари тикланади. Шу билан бирга оналар ҳам ҳар томонлама текширилиб, даволанади.

— Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб барча соҳаларда бўлгани каби соғлиқни сақлаш тизимида ҳам туб ўзгаришлар амалга оширилди, — дейди шифохонанинг бош шифокори Дилором Давитова. — Соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ишлар, тиббиёт соҳасида яратилаётган янгиликлар, қўлга киритилаётган ютуқлар замирида болалар саломатлигини муҳофазалаш, яхшилаш ва турли касалликларнинг олдини олиш борасидаги муҳим вазифалар мужассамлашган.

Шифохонада бемор болаларнинг соғликларини тиклашлари учун етарли, зарур шарт-шароитлар яратилган. Жаҳон болажонларнинг саломатлигини яхшилаш, мустаҳкамлаш, тиклаш, тез ва сифатли даволаш шифокорларнинг зиммасидаги асосий вазифадир. Клиник шифохона 2011 йилда қайта таъмирланиб, ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган янги тиббиёт жиҳозлари, асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Малакали ходимларнинг саъй-ҳаракатлари билан ва тўла-тўкис яратилган шароитлар туфайли чақалоқлар ва болажонлар даволаняпти ва асраб қолинмоқда.

Қайта таъмирлаш натижасида педиатрия, муддатидан олдин туғилган болаларни парвариш қилиш, жорий жонлантириш, рентген, УЗИ, гинекология, физиотерапия, таҳлил-лаборатория бўлимлари билан бир қаторда маънавият хонаси ҳам ташкил этилди.

Ҳа, дунёда бола кулгусидан жозибалироқ, ёқимлироқ нарсанинг ўзи йўқ. Оламга қувонч, оилага файз, қалбга қувонч бўлиб келаётган болажонларнинг соғлиғи ҳар нарсадан устундир. Уларнинг саломатлиги йўлида фидойилик билан иш олиб бораётган малакали шифокорларнинг билим ва салоҳияти, зийрак нигоҳи, ширин сўзи ва тезкорлиги эса нафақат Гиппократ қасамига, балки одамийлик мезонларига ҳалоллик билан ёндашиб иш олиб боришга даъват этади.

Маҳалланинг обод ва кўркам бўлиши аҳолининг ҳамжиҳатлиги, ўзаро меҳр-оқибатига бевосита боғлиқ. Зеро, аҳиллик бор жойда осойишталик, ободлик ва хотиржамлик бўлади.

МАҲАЛЛА – ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

– Ҳар биримизнинг ҳаётимиз, тақдиримиз, яшаш тарзимиз, оилаларимиздаги маънавий муҳит ва фарзандлар тарбиясини маҳалладан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди, – дейди Аҳмад Яссавий номли маҳалла фуқаролар йиғини диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Шаҳло Умарова. – Бизнинг мўъжазгина маҳалламизда ҳам, катталар ҳурматда-ю, кичиклар иззатдалиги эътирофга сазовордир. Энг муҳими бир-биримизга бўлган меҳр-оқибат туфайли маҳалламиз тинч ва осуда ҳаёт кечирмоқда. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, тозалаш ишларини амалга ошириш, кам таъминланган оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хонадонлардаги ўзаро аҳиллик ва бирдамлик, миллий қадриятларимизни эъзозлаш, буларнинг барча-барчаси маҳалла фаоллари зиммасидаги долзарб масалалардан ҳисобланади.

Беш минг беш юз нафар аҳоли истиқомат қиладиган Аҳмад Яссавий номидаги маҳаллада 61 та кўп қаватли уйлар ва 5 та кўчалар мавжуд. Маҳаллада ёшларнинг тиббий саводхонлигини ошириш, уларни турмушга тайёрлаш, турли оқимларга кириб кетишининг олдини олиш борасида режали ишлар амалга оширилмоқда. Мустақилликнинг йигирма беш йиллик қутлуғ санасига маҳалла аҳли катта тараддуд кўрмоқда.

Халқимизда "Сариштали уй – фаришталар уйи" деган мақол бор. Ота-боболаримиз азалдан ўз юртини обод қилиш, ҳовлисини, маҳалласини тоза сақлашдек эзгу ишга алоҳида эътибор қаратган. Зеро, тинчлик, осойишталик, меҳр-оқибат бор жойдан файзу барака аримайди. Одамлар бугунидан маъно топиб, эртанги кунига ишонч билан яшайди. Мазкур маҳаллада истиқомат қилаётган аҳоли ҳам ҳар ишда бир бирига камарбаста, ҳамжиҳат ва ҳамкордир. Бу эса истиқлол берган неъматларнинг узвий бир кўриниши ҳисобланади.

Ёшлар – келажагимиз

МУНОСИБ ТУҲФА

Юртимизнинг 25 йиллик шодиёналари яқинлашаётган айни кунларда ўқув муассасаларида янги ўқув йилига тайёргарлик ишлари ҳам жадал суръатда олиб борилмоқда.

71-умумтаълим мактабидаги янги очилган спорт зали ўқув йилига муносиб совға бўлиш билан бирга, ўқувчиларнинг спортга бўлган қизиқишини янада орттиришга ва саломатликларини мустаҳкамлашларида муҳим аҳамият касб этади.

– Ўқув муассасамизда янги ўқув йилига бир байрамдек тайёргарлик кўрилади, – дейди мактаб директори Саодат Куканова биз билан суҳбатда. – Келажак авлод таълим-тарбияси, ўқитиш ва тарбиялаш учун шарт-шароитларни яратиш борасида мамлакатимизда дастуруламал ишлар олиб борилмоқда. Мақсадимиз келажагимиз давомчилари бўлган ёшларни ҳар томонлама билимли, изланувчан комил инсонлар қилиб камолга етказишдир.

Янги ўқув йилида ўзига хос шинам ва кўркам кўринишда ўқувчиларни бағрига чорлаётган мактаб келажакда ёш авлод таълим-тарбиясига муносиб ҳисса қўшади.

Ўқув муассасасида электрон доскалар, компьютер жамланмалари, физика, кимё, биология лабораторияхоналари бугунги кун талабига жавоб берадиган ўқув қуроллари билан жиҳозланган.

2015 йилда янгитдан барпо этилган кўркам ва шинам мактабда ўқувчиларнинг билим олишлари учун барча шароитлар муҳайё. Яқиндагина қуриб битказилган спорт зали эса мустақиллигимизнинг 25 йиллик байрамига муносиб туҳфа бўлди.

Саҳифа материалларини Гулчеҳра ДУРДИЕВА тайёрлади
Ислом Исмоилов олган суратлар

Халқ депутатлари
Тошкент шаҳар Кенгашининг
ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ МАҲАЛЛАЛАРНИНГ ЧЕГАРАЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА

"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги (Олий Мажлис Ахборотномаси, 1999 й., 5-сон, 111-модда;) Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги "Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек, уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 10-сон, 107-модда) 48-сон қарор талабларига асосан, Тошкент шаҳридаги маҳаллаларнинг ҳудудий чегараларини белгилаш тўғрисидаги "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими ҳамда Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасининг мурожаатини инобатга олиб, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими ҳамда Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси томонидан тайёрланган Тошкент шаҳридаги маҳаллалар чегаралари чизмалари ва тавсифларини белгилаш ҳақидаги таклиф маъқуллансин.

2. Тошкент шаҳридаги мавжуд 505 та маҳаллаларнинг чегара чизмалари харитаси 1-иловага мувофиқ, маҳаллалар чегара чизмалари тавсифлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Тошкент шаҳар Молия бош бошқармаси (Н.Сабиров):

Маҳаллалар чегараларини белгилаш ишларининг молиялаштирилиши маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига бажарилиши таъминлансин.

4. "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими (А.Ғуломов), Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси (С.Мухтарходжаев), Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (Ғ.Расулов), Давлат солиқ бошқармаси (М.Пардаев):

Мазкур қарорга асосан ҳужжатларга ўрнатилган тартибда тегишли ўзгартиришлар киритилсин.

5. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш киритилсин.

6. Мазкур қарор "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ҳамда www.tashkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

7. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан сўнг кучга киради.

8. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Ижтимоий-маданий, ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси ва Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Обидов зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари
Тошкент шаҳар Кенгаши раиси
Р.Усманов

2016 йил 12 июль

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг www.tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида "Истиқлол йилларида парламентнинг қонунлар ижроси устидан назоратни олиб бориш ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинишини мониторинг қилиш амалиётини такомиллаштириш масалалари" мавзуида семинар ташкил этилди.

Қуйи палатанинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳамда Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда сенаторлар, депутатлар, турли идора ва ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ҳокимиятлар бўлиниши тамойилини ҳаётга татбиқ этиш, парламентнинг давлат ҳокимияти тизимидаги ролини ошириш, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг назорат функцияларини кенгайтириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 12 апрелда қабул қилинган "Парламент назорати тўғрисида"ги қонуни бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлди. Унда парламент назоратининг объектлари аниқ белгиланган. Яъни парламент давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, уларнинг мансабдор шахсларини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Давлат дастурлари ижро этилиши, шунингдек, ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариши юзасидан назорат қилади.

Конституциямизда белгиланган ҳокимиятлар бўлиниши принципи асосида парламентнинг ролини ошириш ва фаолиятини такомиллаштириш, қонунчилик ҳамда ҳокимият вакиллик органларининг марказ ва жойлардаги ваколатлари ва назорат вазифаларини кучайтиришга қаратилган демократик ўзгаришлар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Йиғилишда иштирокчилар парламент назоратига оид қонунчиликни, бу соҳадаги ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштиришга доир таклиф-мулоҳазалар билдирди.

А.ҚИЁСОВА,
ЎзА мухбири

Президентимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасида белгиланган вазифалар тўла амалга оширилмоқда.

ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида ўтказилган матбуот анжуманида мазкур вазифалар ижроси ҳақида маълумот берилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда 1400 дан зиёд оммавий ахборот воситаси мавжуд. Уларнинг эркин ва самарали фаолият юритиши учун зарур ҳуқуқий асос ва кафолатлар, кенг имкониятлар яратилган. Ўндан ортиқ қонун, 30 га яқин қонуности ҳужжатлари қабул қилинган. Концепцияга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг "Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида"ги, "Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида"ги қонун лойиҳалари тайёрланган.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 16 июлдаги "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига асосан оммавий ахборот воситалари, матбаа корхоналари ва нашриётлар фаолиятига рухсатнома ва лицензия олиш учун тўланадиган давлат божи ставкалари икки баробар камайтирилди.

Ахборотни тезкор тарқатиш имконини берадиган интернет журналистикаси ҳам жадал ривожланмоқда. Бугунги кунда Агентлик томонидан 359 веб-сайт оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатдан ўтган. Улар интернет тармоғи орқали ўзбек ва бир неча хорижий тилларда материаллар бериб бормоқда. Жаҳон интернет-ахборот маконида миллий сегментнинг ошиб бориши Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори юксалишига хизмат қилмоқда.

2011 йилдан буён ҳар йили "Ўзбекистон матбуоти" миллий форуми ва миллий кўргазмаси ўтказиб келинмоқда. Турли семинар-тренинглар, анжуманлар, давра суҳбатлари аҳолининг ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий фаоллигини оширишда журналистлар иштирокини кучайтириш, ОАВ ходимларининг тажриба ва малакаларини янада оширишга ҳисса қўшаётир.

Анжуман иштирокчиларини қизиқтирган саволларга мутасаддилар жавоб қайтарди.

Д.КАРИМОВ,
ЎзА мухбири



Окил Ғуломов олган сурат

ИНТЕРНЕТ ВА ЁШЛАР

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши томонидан "Интернет ва ёшлар: муваффақиятлар, муаммолар" мавзусида семинар-тренинг ўтказилди. Унда партия фаоллари, актёрлар ҳамда ёшлар иштирок этишди.

Тадбирда мамлакатимиз ёшларини баркамол инсон қилиб вояга етказиш, уларга яхши таълим-тарбия бериш, билимли, замонавий ахборот коммуникация технологияларини пухта ўзлаштирган инсон бўлиб камол топиши учун кўплаб имкониятлар яратилаётганлиги таъкидланди. Дарҳақиқат, юртимизда ёшларнинг таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун барча шарт-шароит етарли. Шундай бўлсада айрим ёшларимиз бундай имкониятлардан унумли фойдаланмаяпти. Бўш вақтларини қандайдир ўйинлар ёки интернетдаги танишув сайтларида ўтказмоқда. Бунинг натижасида уларнинг баъзилари бузғунчи ғояларни тарғиб этувчи гуруҳлар, турли оқимлар таъсирига тушиб қолаётганлиги ҳақида семинар-тренингда айтиб ўтилди.

– Ахборот асри деб ном олган асримизда телекоммуникация тасаввур қилиш қийин даражада ривожланди, – дейди Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгаши секретор мудири Умрбек Бектемиров. – Интернет орқали ўзимизга керакли бўлган маълумот ва янгиликларни бир зумда аниқлаб олмоқдамиз, бу яхши, албатта. Аммо таёқнинг икки томони бўлади дегандек, интернетнинг ҳам ёшлар тарбиясига салбий таъсир этувчи томонлари кўп. Ана шу таъсирдан ёшларни асраш учун энг аввало уларнинг интернетдан фойдаланиш маданиятини юксалтириш зарур. Бунда эса бу каби тадбирларнинг аҳамияти катта.

Семинар-тренингда шунингдек, эл суйган санъаткор ва актёрларнинг интернетдан фойдаланиш маданияти, улар томонидан йўл қўйилаётган баъзи хатолар ҳақида ҳам сўз юритилди. Савол-жавобларга бой бўлган тадбирда "Замонавий таълим олишда китоб ва интернетнинг қулайликлари ва афзалликлари", "Интернет воситасида кириб келаётган салбий хуружларнинг ёшлар маънавий тарбиясига таъсири" каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Абдували СОДИҚОВ

Архивлар фаолиятидан

АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ

Жонажон Ватанимиз тарихида буюк воқеа рўй бериб, 1991 йил 1 сентябрь Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни деб эълон қилинди. Йигирма беш йил. Албатта бу тарих учун кичкина сондир, лекин Ватанимиз эришган бугунги ютуқлар неча асрларга етади десак муболаға бўлмайди. Мамлакатимизни бутун жаҳон тан олмоқда. Ҳозирда халқимизнинг ўз тақдири ўз қўлида, ўз мамлакатининг мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида астойдил меҳнат қилмоқда. Бугун мамлакатимиз жаҳоннинг ривожланган давлатлари билан ҳар соҳада тенглаша оладиган даражада куч-қудратга эга.

Ўзбек халқининг ўзлигини англашда тарих фанининг ўзига хос алоҳида ўрни бор. Зеро, Ўзбекистон тарихи миллий ўзликни англаш қуролидир. Бизга маълумки, аниқ ва ҳаққоний далиллар асосида яратилган тарих – "тарих" бўла олади. Ҳаққоний тарихни ёритишда ёрдамчи соҳалар қатори архив соҳасининг ўрни бениҳоя каттадир.

Бугунги кунда ҳукуматимиз томонидан архив соҳасига жуда катта эътибор берилмоқда. Архивларнинг моддий-техника базасининг яхшиланиши, замонавий архив биноларнинг барпо этилиши, архив ходимларининг малакаларини ошириш мақсадида турли мамлакатларга юборилиши сўзимиз исботидир. Жумладан бизнинг Ўзбекистон Республикаси Илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари Марказий давлат архивида ҳам мустақиллик йилларида жуда катта ўзгаришлар содир бўлди. Архив соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширадиган ташкилот Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Ўзархив" агентлиги ҳисобланади. Унинг тизимида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари, уларнинг қарамоғидаги давлат архивлари (филиаллари) ҳамда Республика Марказий давлат архивлари киради.

Ўзбекистон Республикаси илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари Марказий давлат архиви 1962 йилда ташкил қилинган. Архивнинг ташкил қилинишидан асосий мақсад тиббиёт ҳужжатларини ўрганиш, йўқ бўлиб кетган касалликлар ҳақидаги ҳужжатларни архивда сақлаш ва архивга қабул қилиш, келажак ёш авлод бу ҳужжатлардан фойдаланишлари, илмий ишлар, монографиялар ёзишга имконият яратишдан иборат бўлган.

Президентимизнинг 2008 йилда "Корея республикаси ҳукуматининг грант маблағларини жалб этган ҳолда Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архивларини реконструкция қилиш ҳамда уларни техник модернизациялаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Бу қарор архивлар фаолиятининг яхшиланишига олиб келди. Яъни грантнинг дастлабки босқичида республиканинг 3 та Марказий давлат архивлари Корея давлатининг замонавий технологиялари билан таъминланди. Марказий давлат архивлари ходимларидан бир нечтаси Корея давлатида бўлиб малака ошириб қайтишди. Жумладан бизнинг архивда бўлим бошлиғи Феруза Рашидова ва етакчи архивчи Фуркат Ҳамроевлар Корея давлатида билим-маҳоратларини оширишди.

Кейинги йилларда архивда ахборот-коммуникацион технологияларини янада кенг жорий қилиш ишлари амалга оширилди, "CERT INTERNATIONAL" компанияси билан ҳамкорликда 2015 йилда турли семинарлар ўтказилди. Архив халқаро стандартлар мониторинги ISO 9001 сертификатига эга бўлди. Бугунги кунга келиб, Ўзбекистон Республикаси Илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари Марказий давлат архивида ўзининг фаолият тизимига кирувчи ташкилот ва идораларнинг турли илмий-техник, лойиҳа ва конструкторлик ҳужжатлари сақланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди таркибига киритилган 412 та фондда турли давлат муассасалари, қишлоқ ва сув хўжалиги, ўрмон хўжалиги, архитектура ва қурилиш соҳасида фаолият кўрсатган ҳамда ҳозирда фаолият олиб бораётган турли ташкилотларнинг 302029 сақлов бирлигидаги архив ҳужжатлари жамланган, бу ҳужжатлардан 33 фондда 20735 сақлов бирлигидаги ўта қимматли ҳужжатлар сақланади. Шулар қаторида архивда шахсий фондлардан 50 фондда 5 минг сақлов бирлигидаги архив ҳужжатлари ҳам йиғилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 декабрдаги 355-сонли қарорининг қабул қилиниши Ўзбекистон Республикаси Илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари Марказий давлат архивида ахборот-коммуникацион технологияларини янада кенг жорий қилиш ишларини амалга ошириш учун асосий омил бўлди. Ушбу қарорнинг ижросини таъминлаш ва Ўзбекистон Республикаси Илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари Марказий давлат архивида ахборот-коммуникацион технологияларни ривожлантириш мақсадида бир қанча ишлар амалга оширилди.

Архивга мурожаат этувчи фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида архивнинг расмий сайти scitech.archive.uz замонавий кўринишда (ntmd.uz), 2014 йилнинг декабрь ойида Олий Мажлис томонидан қабул қилинган "Юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатлари" тўғрисидаги Қонун ва юқорида келтирилган қарор талаблари асосида тўлиқ қайта модернизация қилинди. Сайтга қўшимча равишда фуқароларнинг мурожаатлари тўғридан-тўғри Ўзбекистон Республикаси Илмий-техникавий ҳужжатлари Марказий давлат архивига келиб тушиб, улар ўзларига керакли маълумотни олишлари учун махсус бўлим жорий этилди. Эндиликда интернет орқали фуқаролар архивнинг мазкур сайти воситасида ўзларининг мурожаатларини тақдим этиш ва унга тўлиқ жавоб олиш имкониятига эга. Шу билан бирга юқоридаги Қонун қабул қилингандан сўнг фуқаролар ва юридик шахсларнинг архив фаолияти билан боғлиқ саволларига тезкор жавоб бериш мақсадида сайтда "онлайн консультант" ва ишонч телефонлари киритилди. Архивнинг ички фаолиятида ишларни тизимлаштириш, маълумотларни тезкор топиш ҳамда архив ходимлари ишини автоматлаштириш мақсадида "Ҳужжатларни қидириш тизими" компьютер дастури ишлаб чиқилди ва амалда татбиқ қилинди.

Шу билан бирга ушбу маълумотларнинг электрон нусхасини компьютер базасига жойлаштириб, уни сўралган жойга электрон почта орқали жўнатиш имконияти мавжуд.

Архив сайтининг фаолият кўламини кенгайтириш мақсадида сайтда қўшимча статистик маълумотлар диаграммаси киритилди, унга асосан ҳар чоракдаги ва ҳар ойдаги архивимизга келиб тушаётган, ижрода бўлган ва бажарилган сўровларнинг статистикасини кўриш мумкин, сайтда архивнинг Ишонч телефони рақамлари, видео лавҳалар, фото жамланмалар, соҳага оид меъёрий ҳужжатлар киритилди. Сайт ЎзРИТТХ МДАда ва архив муассасаларида ташкил этилаётган тадбирлар ва янгиликлар билан мунтазам янгиланиб бормоқда. Бундан ташқари сайтдан тўғридан-тўғри "Ягона интерактив хизматлар портали" "my.gov.uz" ва бошқа давлат бошқарув муассасалари сайтларига ўтиш имкони яратилди. Дунёнинг барча бурчакларидан сўровлар қабул қилиш ва уларга жавоб қайтариш имконияти мавжуд.

Архив бўлимлари билан ҳужжатлар айланиши тезкорлигини таъминлаш мақсадида барча ишчи хоналаридаги компьютерлар ўзаро локал тармоққа уланди. Эндиликда архив фаолияти бўйича электрон ҳужжатлар алмашинуви ушбу тармоқ орқали амалга оширилмоқда.

Лобар ТАЖИМУРАТОВА,
Ўзбекистон Республикаси Илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари Марказий давлат архивининг катта илмий ходими

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Яккасарой туманидаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида соғлом овқатланишни ташкил этиш мақсадида таълим муассасаларидаги ошхоналарни ижарага бериш бўйича

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 майдаги **"Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги 132-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда таълим муассасаларида соғлом овқатланиш шарт-шароитларини янада яхшилаш мақсадида юридик шахс мақомига эга бўлган корхоналар ўртасида таълим муассасаларига хизмат кўрсатиш бўйича тендер-танловларида иштирок этувчи аризалари **2016 йилнинг 10 июнидан 2016 йил 10 июль куни соат 18-00 га** қадар Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасида қабул қилинади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниб, ҳужжатлар талабгорлар томонидан муҳрланган конвертларда танлов комиссиясига тақдим этилади:

умумий овқатланишни ташкил этиш соҳасидаги фаолияти, иш тажрибаси тўғрисида маълумотнома;

махсус, моддий-техника базаси ва озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш технологияси бўйича малакали мутахассислар мавжудлиги ҳақида маълумотнома;

бўш айланма маблағлари мавжудлиги тўғрисида банкнинг маълумотномаси;

талабгорнинг таълим муассасаси ошхонасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича истиқбол режаси ва таклифлари;

Талабгор томонидан тасдиқланган мавсумий намунавий таомномалар.

Танловга оид қўшимча маълумотлар учун манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй, телефон: 252-77-81, 252-23-17

Яккасарой туманидаги таълим муассасаларининг рўйхати ва манзиллари:

Т/р	Таълим муассасаси номи	Манзили	Телефон рақами
1	Яккасарой енгил саноат касб-ҳунар коллежи	Яккасарой тумани, Аския кўчаси, 27-уй	255-42-59
2	Тошкент меҳр-шафқат касб-ҳунар коллежи	Яккасарой тумани, Воҳидов кўчаси, 116-уй	254-05-89
3	Яккасарой маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи	Яккасарой тумани, Қушбеги кўчаси, 8-уй	250-98-04
4	Республика эстрада-цирк коллежи	Яккасарой тумани, Шота Руставели кўчаси, 68-уй	253-47-42
5	Тошкент тижорат ва тадбиркорлик коллежи	Яккасарой тумани, У.Носир кўчаси, 105-уй	250-06-96
6	Тошкент Давлат Миллий рақс ва хореография олий мактаби бўғинидаги Тошкент хореография коллежи	Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб, 31-уй	256-37-13
7	Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги академик лицейи	Яккасарой тумани, Шоҳ Жаҳон кўчаси, 54-уй	253-64-19
8	Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети қошидаги 2-сон академик лицейи	Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй	252-77-52
9	Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети қошидаги 3-сон академик лицейи	Яккасарой тумани, Боғи Бўстон кўчаси, 62-уй	253-94-45
10	Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги 2-сон академик лицейи	Яккасарой тумани, М.Мироқилов кўчаси, 68-уй	256-52-66

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР!

Тошкент шаҳрида 2016-2017 йилги иситиш мавсумига сифатли тайёргарлик кўриш мақсадида иссиқлик истеъмолчиларини иссиқ сув бўйича чегараламаган ҳолда механик мустаҳкамлик ва зичликка (юқори босим) иссиқлик тармоқларининг синовлари ўтказилади.

Иссиқлик манбалари таъсир доирасининг манзилли рўйхати:

2-ИМ

2016 й. 22 июль – Мирзо Улуғбек, Темур Малик, Авайхон, Мингбулоқ, Феруза, Миришкор, Ш.Бурхонов, Р.Ҳамроев, Салом, Дўрмон йўли кўчалари, Қорасув — 1,2,3,4,6, Ҳумоюн, Феруза, Бўз-2 турар жой мавзелари, Геофизиклар қўрғони.

6-ИМ

2016 й. 25 июль – Мунис, Эски Сарикўл, Янгизамон, Янги Қўйлиқ, Абдурауф Фитрат, Фарғона йўли, Олимбекова, Толимаржон, Файзиобод, Меҳржон, Сайхун, Сурхон кўчалари, Қўйлиқ – 1÷7, Қўйлиқ – Айланма турар жой мавзелари.

5-ИМ (М-0,4)

2016 й. 26 июль – Чилонзор 5÷12, Г9А, 16÷20, 24÷26, Ц, 20А даҳалари, Дўмбиробод, Оқтепа, Шарқ, Гулистон, Ал-Хоразмий – 1,2 турар жой мавзелари, Заргарлик, Қатортол, Гулистон, Муқимий, Боғистон, Фарҳод, Чўпонота, Боғибўстон, Кичик ҳалқа йўли, Наққошлик, Қозиробод, Катта Хирмонтепа, Ширин, Шайхзода кўчалари, Қатортол 1-тор кўчаси.

9-ИМ

2016 й. 27 июль – Чилонзор 9, Г9А, 10, 13÷15, 15А, 21÷25, 30,31 даҳалари, Шарқ, Ал-Хоразмий — 1,2, Бешқайрағоч, Гулистон, Изза турар жой мавзелари, Тақачи, Гулистон, Ширин, Лутфий, Катта ҳалқа йўли, Ўрикзор, Катта Хирмонтепа, Кичик ҳалқа йўли, Бешқайрағоч, Тўқимачи, Нашриёт, Ю.Саккокий, Фозилтепа кўчалари, Ўрикзор бозори доирасида.

Сизнинг эътиборингизни иссиқлик тармоқлари қувурларида шикастланишлар бўлиши мумкинлигига қаратамиз. Йўлларнинг қатнов қисмига ва пиёдалар йўлига иссиқ сув сачраши мумкин, ҳайдовчилар ва пиёдалар, маъмурий ва турар жой биноларидаги одамларнинг эҳтиётқор ва эътиборли бўлишлари талаб этилади.

Вақтинчалик ноқулайликлар бўлишини тушунишингизни сўраймиз. Ноодатий ҳолларни сезсангиз 215-72-73 телефони орқали маълум қилишингизни сўраймиз.

Спорт янгиликлари





ЎзА олган суратлар

ФИФА ташаббуси билан мамлакатлар миллий терма жамоаларининг янги рейтинг жадвали эълон қилинди.

РЕЙТИНГ НАТИЖАЛАРИ ИЖОБИЙ

Эътиборли жиҳати шундаки, янги рейтинг жадвалида миллий терма жамоамиз 56-ўринга лойиқ кўрилди. Аввалги рейтингда 66-ўринни банд этган Самвел Бабаян шогирдлари янги рейтингда 10 поғона юқорилагани қувонарли. Шунингдек, қитъамизда ҳам терма жамоамиз Эрон ва Жанубий Кореядан кейин учинчи ўринга кўтарилиб олди.

Рейтингда ҳамон Аргентина терма жамоаси биринчи ўрин билан карвонбошилик қилаётган бўлса, ундан кейинги фахрли 2, 3-ўринларни Бельгия, Колумбия терма жамоалари эгаллашган. Яқиндагина Европа чемпионлигини қўлга киритган Португалия терма жамоаси 6-ўринни эгаллаб турибди.

ЖАНГОВАР ДУРАНГ ҚАЙД ЭТИЛДИ

2018 йили Россияда футбол бўйича уюштириладиган жаҳон чемпионатига саралаш турнирининг учинчи босқичига Австрияда тайёргарлик кўраётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси Германия бундес-лигаси вакили Дортмунднинг "Боруссия" клуби ёшлари билан назорат-ўртоқлик баҳсида куч синашди.

Австриядаги ўқув-машғулот йиғинига асосан мамлакатимизнинг кучли клубларида тўп сураётган футболчилардан таркиб топган миллий терма жамоа аъзолари жалб этилганидан мухлисларнинг хабари бор албатта.

Учрашув анча қизиқарли ва шиддатли қурашлар остида кечди. Ҳар икки жамоа ғалаба иштиёқида майдонда ҳаракат қилганлигини таъкидлаш лозим. Муросасиз баҳс 1:1 ҳисобидаги жанговар дуранг билан якунига етди. Миллий терма жамоамиздан рақиб дарвозасига Элдор Шомуродов гол киритди.

ТАРКИБ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон миллий терма жамоаси пойтахтимизда Ироқ термасига қарши иккита назорат ўйини ўтказишни режалаштиргани футбол мухлисларига маълум.

Ироқ терма жамоасининг Тошкентдаги дастлабки учрашуви 21 июль куни Ўзбекистон миллий терма жамоасининг 23 ёшгача бўлган футболчиларидан иборат бўлган таркиби билан "Жар" стадионида бўлиб ўтади. Ушбу жамоани Равшан Ҳайдаров бош мураббий сифатида майдонга олиб тушади. Учрашув соат 18:00да бошланади.

Самвел Бабаян бошчилигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси эса Австриядаги йиғинни 21 июль куни якунлаб, 22 июлда Тошкентга қайтади ва 24 июль куни "Бунёдкор" стадионида Ироқ терма жамоасига қарши назорат учрашувида майдонга тушади. Бу баҳс соат 19:00да бошланади.

"Жар" стадионида бўладиган Ироққа қарши беллашувга чақирилган футболчилар рўйхати билан танишинг: дарвозабонлар — Элдор Суюнов, Дилшод Ҳамроев, Ботирали Эргашев, ҳимоячилар — Рустам Ашурматов, Достон Турсунов, Шаҳзод Абдураҳимов, Нажмиддин Нормуродов, Фирдавс Абдусалимов, Аббос Отахонов, Нодир Йўлдошев, ярим ҳимоячилар — Жамшид Болтабоев, Мурод Ражабов, Хуршид Ғиёсов, Миржамол Қосимов, Достон Ҳамдамов, Дониёр Нарзуллаев, Тимур Толипов, Жавоҳир Сиддиқов, Жалолиддин Машарипов, Сардор Мирзаев, ҳужумчилар — Забихулло Ўрунбоев, Зафар Полвонов.

Қозоғистондаги "Astana – 2016" аёллар турнирида Альбина Хабибулина юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда.

ТЕННИСЧИЛАРИМИЗ ҒАЛАБАСИ

Тажрибали теннисчимиз жуфтлик мусобақаларида қозоғистонлик Гўзал Айниддинова билан ҳамкорликда Беларусь вакилалари — Виктория Мун ва Вера Соколовскаяни уч сет натижасига кўра мағлубиятга учратди. Мазкур баҳсда ҳамюртимизнинг бир неча бор мукаммал тарзда йўллаган кучли зарбалари майдончага аниқ тушди. Ўз ўрнида, қозоғистонлик Гўзал Айниддинова ҳам рақибалари зарбаларини бартараф этишда фаоллик кўрсатди.

Альбина Хабибулина якталик баҳсларидаги биринчи учрашувини ҳам беларуслик теннисчи — Вера Лапкога қарши ўтказади.

Ботир ХЎЖАЕВ

Жорий йилнинг 2-3 август кунлари футбол бўйича олий лига жамоалари ўртасида ўтказилаётган мамлакат XXV миллий чемпионатининг иккинчи давра баҳсларига старт берилади.

ҚИЗҒИН ҲОЗИРЛИК КЎРИЛМОҚДА

Жорий йилги мавсумни нотекис ўтказаётган амалдаги чемпион "Пахтакор" аъзолари Қибрайдаги клуб қароргоҳида икки маҳалдан ўқув-машғулот йиғинида иштирок этишмоқда. Машғулот доирасида пахтакорчилар "Шўртан" жамоасига қарши назорат-ўртоқлик беллашувида майдонга тушишди. Ўйин 1:3 ҳисобида тошкентликларнинг мағлубияти билан якунланди. Пахтакорчилардан Жалолиддин Машарипов гол муаллифи бўлди. Таъкидлаш жоизки, айни кунларда "Пахтакор"нинг 8 нафар футболчиси миллий терма жамоага жалб этилган.

Пойтахтимизнинг "Бунёдкор" клуби асосий футболчиларидан бири тунислик Шокир Зуаги жамоани тарк этди. биринчи даврани "Навбаҳор" сафида ўтказган ҳимоячи Хайрулла Каримов яна "Бунёдкор" сафига келиб қўшилди. Айтганча, "Бунёдкор" ҳамда "Андижон" жамоалари ўртасида ўтказилган назорат-ўртоқлик баҳсида 3:1 ҳисобида тошкентликларнинг қўли баланд келди. Эътиборлиси, Баҳрайнинг "Муҳаррақ" клубида ўйнаган миллий терма жамоамизнинг собиқ аъзоси Шохруҳ Гадоев ўртоқлик ўйинида тошкентликлар сафида майдонга тушди.

Жорий йилда ўз олдига фақат чемпион бўлишни мақсад қилган "Локомотив" Минск шаҳрида ўқув-машғулот йиғини ўтказаётганидан хабарингиз бор. "Локомотив" машғулот доирасида Гродно шарафини ҳимоя қилувчи "Неман" клубига қарши ўртоқлик учрашувида майдонга тушди ва 3:1 ҳисобида зафар қучди. "Локомотив"дан голларга Саша Кайкут, Садриддин Абдуллаев, Бранислав Пуношевац муаллифлик қилишган. Сербиялик Бранислав Пуношевац ҳамда Босния ва герцеговиналик Саша Кайкут "Локомотив" мураббийлари синовидан ўтмоқда.

Олий лиганинг янги вакили "Обод" жамоаси мураббийлари давралар оралиғида бир нечта футболчиларнинг жисмоний, руҳий имкониятларини синовдан ўтказишмоқда. Иккинчи даврада жамоа таркиби маҳоратли футболчилар ҳисобига кучаядиган кўринади. "Обод" ва "Машъал" жамоалари ўртасида ўтказилган назорат баҳси 3:3 ҳисобида якунланди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ОСОЙИШТАЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ БОШ МАҚСАДИМИЗ

Дунё яралибдики, ер юзидаги жамики мавжудот она табиат билан чамбарчас боғлиқ. Бироқ табиатнинг ҳам ўзига хос синовлари, биз билган-билмаган сир-синоатлари ҳам борки, баъзида инсон улар олдида ожизлигича қолади. Шу боисдан, ҳеч бир давлат табиий офатлар хуружидан тўла кафолатланмаган.

Табиий офат қачон, қай маҳал юз беришини олдиндан айтиш мушкул. Тасодифан рўй бериши эҳтимоли бўлган фавқулодда вазиятлардан огоҳ туриш, у юзага келган тақдирда саросимага тушмасдан тўғри ҳаракат қилиш кўникмасига эга бўлиш ҳар бир шахс учун ҳам қарз, ҳам фарз. Чунки офат кутиб турмайди, у аксар ҳолларда кутилмаганда рўй бериши бор гап. Вақт, замон шуни тақозо этар экан, билмоқ ва ўрганмоқ кони фойда.

Жаҳоннинг кўпгина оммавий ахборот воситаларида, интернет хабарларида сайёрамизнинг қайсидир бурчагида табиий, техноген ва экологик хусусиятли фавқулодда вазият рўй бергани ёки содир этилгани ҳақида ўқиб қоламиз. Шунинг учун ҳам жаҳон ҳамжамияти бу каби кўнгилсиз ҳодисаларга бефарқ қараётгани йўқ.

Хусусан, табиий, техноген ҳамда экологик тусдаги фавқулодда вазиятлар бизнинг республикамиз ҳудудлари учун ҳам бегона эмас. Ер силкиниши, сел ва сув тошқинлари, қор ҳамда тупроқ кўчкилари, шунингдек, йирик ишлаб чиқариш корхоналаридаги аварияларга каби табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан холи ҳудуд эмаслигини назарда тутадиган бўлсак, бу масала янада ойдинлашади. Хавф рўй бермай туриб, унинг олдини олган афзал, деганларидек истиқлол шарофати билан мамлакатимиз аҳолисининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, муҳофаза тадбирларини мунтазам олиб бориш асосий вазифалар этиб белгиланди.

Шу боис, Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармаси Аҳоли ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш марказига келган тингловчилар огоҳлик ва ҳушёрлик сабоғини оладилар. Бу ерда асосан масъул шахслар – маҳалла оқсоқоллари, корхоналарнинг фуқаро муҳофазаси бўйича гуруҳ раҳбарлари, коллеж, лицей ҳамда мактабларнинг шу соҳа бўйича ўқитувчилари, шифокорлар ва бошқа мутасадди кишилар режага кўра, фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш, ўзи яшаб турган маҳалла, корхона ёки илм масканларида аҳоли хавфсизлигини таъмин этиш, бирор кор-ҳол рўй берган тақдирда шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш, эвакуация қилиш чора-тадбирларини қўллаш борасида қўшимча тайёргарликдан ўтадилар.

Таъкидлаш жоизки, Аҳоли ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш марказининг фаолият йўналиши, қамрови кенг. Бу даргоҳда асосан юқумли касалликлар тарқалганда қандай ҳаракат қилиш, зилзила, бўрон ёки довул таҳдид солганда ундан сақланиш усуллари, сел ва сув тошқинлари, қор ва тупроқ кўчкилари каби фавқулодда вазиятлар чоғида қандай муҳофаза тадбирларини қўллаш чоралари, шунингдек, авиация, темир йўл транспорти ва автоҳалокат ҳодисалари содир бўлганда жабрланганларга шошилинч ёрдам кўрсатиш амаллари тингловчиларга кўргазмали қуроллар воситасида ўргатилади.

Бундан ташқари, тингловчилар хлор, аммиак ва симоб каби кучли таъсир этувчи заҳарли моддаларнинг тўкилиши билан боғлиқ бўлган техноген, ёнғин ва бошқа йирик техник авариялар содир бўлган тақдирда қандай ҳаракат олиб бориш, шундай вазиятларда шахсий муҳофазанинг тиббий воситаларидан фойдаланиш усулларини қўллаш, жароҳатланганларга биринчи тез ёрдам кўрсатиш каби сабоқлар муайян дастур асосида олиб борилади.

Негаки, фуқаро муҳофазасига оид билимлар билан қуролланиб, тайёргарликдан ўтган ҳар бир инсон бирор кўнгилсиз ҳодиса рўй бергудек бўлса, бундай қалтис вазиятларда саросимага тушмасдан тўғри ҳаракат қила олиши ва бошқаларни ҳам шунга ўргата билиши керак. Яъни, улар аҳолини хавфсиз жойларга кўчириш, жабрланганларга шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш амалларини ўзлаштирган бўлишлари лозим. Чунки ўз вақтида олинган назарий ва амалий билимлар зарур ҳолларда жуда асқотиши табиий. Маълумотларга қараганда дунё бўйича содир этилаётган турли фавқулодда вазиятларда нобуд бўлаётган инсонларнинг 40 фоизи қалтис вазиятларда ўзини қандай тутиш кераклигини билмасликлари оқибатида келиб чиқар экан.

Шунингдек, ҳозирги вақт мобайнида иш билан банд бўлмаган аҳолини фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш, табиий ва ис газидан заҳарланиш ҳолатларининг олдини олиш ҳамда қўриқланмайдиган сув ҳавзаларида чўмилмаслик мавзуларида ўнлаб суҳбатлар ўтказилди.

Умуман олганда, тингловчилар сабоқ олишлари учун қулайлик яратиш мақсадида бошқарма Аҳоли ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш маркази замонавий жиҳозлар билан таъминланган. Фуқаро муҳофазасига оид дарсликлар, кўргазмали қуроллар, рангли плакатлар билан безатилган аудиторияда тингловчилар учун барча шароит яратилган бўлиб, компьютер, телевизор ва алоқа тармоқлари билан жиҳозланган. Таъкидлаш жоизки, Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг мутасадди ходимлари томонидан олиб борилаётган ўқув машғулотлари сифатли ва самарали ўтилаётгани тингловчиларда қизиқиш уйғотмоқда.

Фавқулодда вазиятлар ўчоқларида қутқарувчилар ҳаракат қилиши, жабрланганларга эзгулик билан ёрдам кўрсатиш мақсадида, Тошкент шаҳар ФВБ Қутқарув отрядининг махсус қутқарув асбоб-ускуналари ва техникалари кўргазмаси ташкил этилиб, унда қутқарувчиларнинг мазкур техника воситалари билан ишлаш қоидалари Аҳоли ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш марказида бўлиб ўтаётган ҳар бир ўқув машғулотларида тингловчиларга намойиш этилмоқда.

Азамат СУЮНОВ,
журналист

"101"

ҚОИДАЛАРГА ҚАТЪИЙ РИОЯ ҚИЛАЙЛИК

Ёнғиндан сақлаш хизмати Ички ишлар вазирлиги таркибида мустаҳкам мавқега эга бўлган хизматлардан бири ҳисобланиб, ёнғинларнинг олдини олиш, инсонлар ҳаётини сақлаш, содир бўлган ёнғинларни тезкорлик билан бартараф этиш, жиноятчиликка қарши курашиш ва жамоат тартибини сақлаш борасида ижобий натижаларга эришмоқда.

Мазкур касб эгалари томонидан ўтган йиллар давомида республикада ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, содир бўлган ёнғинларни тезда бартараф этиш ҳамда моддий-техник таъминотини яхшилаш борасида қатор ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири турли сабаблар оқибатида юзага келувчи ёнғинларнинг олдини олиш, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, шунингдек, огоҳлик ва ҳушёрликни оширишдан иборат. Юқорида айтиб ўтганимиздек бу соҳа ходимлари ёнғин билан доимо тўқнаш келишади. Зотан, пешона тери эвазига етиштирилган бойликлар ва қад кўтарган бинолар, ташкилот, муассаса, халқ хўжалиги масканларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида бошқарма ва унинг ҳудудий бўлинмаларида аниқ белгиланган тадбирлар асосида фаолият олиб борилади. Айрим фуқаролар ўз уйларида эътиборсизлиги ва масъулиятсизлиги сабабли ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмасликлари оқибатида ёнғин билан боғлиқ кўнгилсизликлар келиб чиқмоқда.

Ҳар бир фуқаро кундалик турмушида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилса турли офатларнинг олди олинган бўлар эди. Ҳа, "тилсиз ёв" бўлган олов фасл, вақт ва жой танламайди. Кутилмаганда эҳтиётсизлик ва бепарволик оқибатида рўй беради.

Ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларига қатъий риоя қилсангиз давлат ва шахсий мулкингиз, уй-жойингизни ёнғиндан асраган, шунингдек, яқинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

Э.СУЛЕЙМЕНОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ 12-ҲЁХО 3-ҲЁХ алоҳида пост инспектори, сержант

Тошкент молия ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи томонидан 2010 йилда Дадажанов Достон Дадажон ўғлига берилган К №1871536 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **21 июль** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 20-22, кундузи — 35-37 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **21 июлда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9209
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 755
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 5414 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 16.00
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ